

## “ЎЗБЕГИМ” ҚАСИДАСИДА ҚЎЛЛАНГАН ЛЕКСИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Джурабаева Замира Ахмедовна

PhD, доцент. Андижон давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7264539>

**Аннотация.** Мақолада шоир Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасида қўлланган лексемалар гуруҳларга бўлиниб, улар асарнинг бадиий-эстетик жиҳатдан таъсирчан, мукамал чиқишини таъминлагани кўрсатиб ўтилган ва мисоллар келтириши орқали изоҳланган.

**Калит сўзлар:** қасида, лексема, антропоним, этноним, маънодош сўзлар, географик номлар, диний мазмундаги сўзлар, синтактик қурилмалар.

## О ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ ХАРАКТЕРИСТИКАХ ЛЕКСИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ, ИСПОЛЬЗУЕМЫХ В ПОЭМЕ "УЗБЕГИМ"

**Аннотация.** В статье лексемы, использованные в оде «Узбегим» поэта Эркина Вахидова, разделены на группы, показано, как они обеспечивают впечатляющий и совершенный выход произведения с художественно-эстетической точки зрения, объяснено приводя примеры.

**Ключевые слова:** ода, лексема, антропоним, этноним, синонимы, географические названия, религиозные слова, синтаксические приемы.

## ABOUT LINGUISTIC CHARACTERISTICS OF LEXICAL UNITS USED IN "UZBEGIM" POEM

**Abstract.** In the article, the lexemes used in the ode "Uzbegim" by the poet Erkin Vahidov are divided into groups, they are shown to provide an impressive and perfect performance of the work from an artistic and aesthetic point of view, and are explained by giving examples.

**Key words:** ode, lexeme, anthroponym, ethnonym, synonyms, geographical names, religious words, syntactic devices.

## KIRISH

Рус олими Г.Я.Солганик: “Шахс, вақт, макон – дунёнинг ҳақиқий манзарасини ташкил этади ва бу манзаранинг марказида уларни кузатиб, баҳо бериб, такомил топиб борувчи инсон туради,” – дейди [1. 33]. Ҳар бир инсон ўзи мансуб бўлган тилнинг эгаси сифатида атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бефарқ қараб тура олмайди, муттасил равишда уларга ўз муносабатини билдириб туради. Айниқса, бу нарса буюк эврилишлар, ўзгаришлар даврида яшаган инсонларнинг ҳаётида яққол намоён бўлади. Бетакрор иқтидор эгаси Эркин Воҳидов ўз даврининг илғор фикрли инсонларидан бири сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида халқимизнинг виждони, иймони бўлиб юзага чикди. Шоир томонидан 100 йилдан ортиқ вақт мобайнида унутилган, бир ёқлама баҳо бериб келинган миллий қадриятларимиз, тарихимиз, ўзбек халқи ичидан етишиб чиққан буюк алломаларимизнинг дунё тамаддунига қўшган ҳиссалари кўркмасдан қаламга олинди. Эркин Воҳидовнинг миллий маънавиятимиз, маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган асарларидан бири 60-йилларнинг охирида яратилган “Ўзбегим”[2.46] қасидаси саналади. Асар адабиётшунослар томонидан атрофлича тадқиқ қилинган. Биз ушбу изланишимизда қасиданинг бадиий-эстетик жиҳатларига эмас,

уларни юзага чиқаришда муҳим ўрин тутган лисоний хусусиятлари устида фикр билдиришга уриниб кўрдик.

### **METOD VA METODOLOGIYA**

Маълумки, тил бадиий асарнинг асосий қуроли саналади. Ҳар қандай фикр сўзлар орқали рўёбга чиқарилади. “Ўзбегим” қасидасини кенг маънода қадим ва ва енгилмас ўзбек халқининг дарду аламларини, орзу-умидларини тараннум эта олган, юртдошларимизда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини уйғотган бетакроп бадиий асарлардан бири бўлди десак, асло янглишмаган бўламиз.

### **TATQIQOT NATIJASI**

Асарда қўлланган лексемаларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Шахс номларини англлатувчи лексемалар (антропонимлар). Улар ҳам ўз навбатида икки кичик гуруҳга ажралади: а) жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган буюк ватандошларимизнинг номлари: *Ал-Беруний, ал-Фаробий, ал-Хоразмий, Муқанна, Мирзо Улугбек, Мир Алишер, Мирзо Бобур, шоҳ Маишраб, Фурқат, Нодира* каби. Ҳар бир ном ўзига хос шаклларда ва ўз ўрнида шундай бир маҳорат билан ишлатилганки, улар шеърнинг оҳангига, қат-қатига, маъно қатламларига тўла сингдириб юборилган. Эркин Воҳидов улардан фахрланиш, ғурурланиш туйғуларини баралла куйлаган. Бу эса ўз навбатида қасиданинг бадиий қимматини ошириш учун муносиб хизмат қилган.

Ал-Беруний, Ал-Хоразмий,

Ал-Фароб авлодидан,

Асли насли балки Ўзлук,

Балки Тархон, ўзбегим.

б) шоир *Фирдавсий, Пушкин, Байрон* каби асарлари умуминсоний қадриятлар касб этувчи ёзувчи ва шорларнинг номларидан ҳам ўз фикрини кучайтириш, таъкидлаш мақсадларида ўринли фойдаланган. Уларнинг номларини ўзбек алломаларининг номларига қарама-қарши қўйиш орқали бир томондан уларнинг ижодига хурмат, иккинчи томондан ўзбек халқи ичидан етишиб чиққан буюк ижодкорларнинг улардан кам эмаслигини кўрсатиб ўтган.

Менга Пушкин бир жаҳону

Менга Байрон бир жаҳон,

Лек Навоийдек бобом бор,

Кўксим осмон, ўзбегим.

в) Эркин Воҳидов қасидада ўзбек халқининг тарихида ўзининг салбий хусусиятлари билан чуқур из қолдирган *Чингиз, Боту, Рум қайсари* каби тарихий шахсларнинг номларини ўринли келтирган. Эътибор берилса, Чингизхоннинг *Чингиз*, Ботухоннинг *Боту*, Александр Македонскийнинг *Рум қайсари* тарзида берилишида ҳам ўзига хос семантик белги – халқимизнинг уларга нисбатан бўлган чексиз нафрати, тенгсиз курашлари яшириниб ётгандек, мазкур сатрлар олис тарихимиздан акс-садо бериб тургандек туюлади кишига.

Қайсари Рум найзасидан

Бағрида доғ узра доғ,

Чингизу Боту тиғига

Кўкси қалқон, ўзбегим.

2. Қасидада *Ўзлуқ, тархон* сингари этнонимлар, *Афросиёб, Ўрхун хати* сингари тарихий сўзлар ҳам учрайди ва бу сўзлардан шоир шеърнинг муваффақиятли чиқишини таъминлаш мақсадида фойдаланган.

Сўйласин Афросиёбу  
Сўйласин Ўрхун хати,  
Кўхна тарих шодасида  
Битта маржон, ўзбегим.

3. *Хон, қоон, султон, шоҳ* каби маънодош сўзлардан кетма-кет фойдаланиш шеърнинг таъсирчанлигини ошириш учун хизмат қилган.

Ўтдилар шўрлик бошингдан  
Ўйнатиб шамширларин,  
Неча қоон, неча султон,  
Неча минг хон, ўзбегим.

4. Асарда қўллаган *Помир, Тиёншан (Тянь-Шань), тоғ, дарё* каби географик номлар ўзбек халқининг минг йиллик тарихини ифодалашга қаратилганлиги билан муҳим.

Тарихингдир минг асрлар  
Ичра пинҳон, ўзбегим,  
Сенга тенгдош Помиру  
Оқсоч Тиёншон, ўзбегим.

5. *Зардушт, буддий, оташ, санам, имон* кўринишидаги диний мазмундаги сўзлар шеърдаги тарихий фонни ифодалашда муҳим аҳамият касб этган.

Сен на зардушт, сен на буддий,  
Сенга на оташ, санам,  
Одамийлик дини бирла  
Тоза имон, ўзбегим.

6. Эркин Воҳидовнинг халқимизнинг тарихини ифодалашда *шамшир, найза, тиг, қалқон, тийри камон* кўринишидаги қурол номларидан ҳам ўз ўрнида фойдаланган.

Ёғди тўрт ёндин асрлар  
Бошингга тийри камон,  
Умри қурбон, мулки тарож  
Юрти вайрон, ўзбегим.

7. Шоирнинг маҳорати шундаки, у *тарих шодаси, икки чашиминг, осмон тоқи* каби синтактик қурилмаларни, *кавкабистон* лексик бирлигини байтларда ўринли ишлатган.

Тузди-ю Мирзо Улуғбек  
Кўрагоний жадвалин,  
Сирли осмон тоқига илк  
Қўйди нарвон, ўзбегим.

## **МУНОКАМА**

8. Қасиданинг кульминацияси, асосий ғояси *Ватан, юрт, Ўзбекистон* деган лексик бирликлар билан узвий боғлиқ. Шоир буларни ҳам узукка кўз қўйгандек, жой-жойига қўя олган.

Қайга бормай бошда дўшим,  
Шуҳратим, кадрим буюк,  
Олам узра номи кетган

Ўзбекистон, ўзбегим.

## XULOSA

Энг муҳими, “Ўзбегим” қасидасида бебаҳо бойлигимиз, халқимиз тафаккурининг тенгсиз намунаси саналган она тилимизнинг ноёб кўринишлари – бетакрор лексик бирликлар ўз ўрнида қўлланган ва улар асарнинг бадиий-эстетик жиҳатдан таъсирчан, мукамал чиқишини таъминлаган. Ишонамизки, асар асрлар давомида халқимиз маънавияти ва тафаккурининг яққол намуна сифатида халқимиз тарихидан муносиб ўрин тутиб қолади.

## REFERENCES

1. Erkin Vohidov. O'zbekim. Toshkent: Yangi asr avlodi, 2017.
2. Солганик Г.Я. О новых аспектах изучения СМИ // Вестник МГУ, серия 10. Журналистика. – Москва, 2000б № 3.